

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 3 сентябрь, № 173 (5847) Сешанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан хорижий давлат ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан, сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Мазкур қутловларда самимий муборакбод сўзлари изҳор этилган бўлиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилаклар йўлланган.*

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун йўллаган табрик мактубида шундай дейилади:*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг самимий қутловларимни изҳор қилиш менга катта мамнуният бахш этади.

Ҳар бир мамлакат ўз маданияти, тарихи ва эришган ютуқлари билан беназирдир. Айни пайтда жаҳон мамлакатлари ўзаро узвий ва муштарак ришталар билан боғланган. БМТга аъзо барча давлатлар, уларнинг катта-кичиклиги ёки бойлигидан қатъи назар, ўз халқлари ва умуман, сайёрамиз учун яхшироқ келажакни барпо этишда муҳим роль ўйнайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янада хавфсиз ва барқарор истиқболни вужудга келтириш учун муҳим воситадир. Кейинги йилларда биз кўпгина ютуқларга, шу жумладан, Мингйиллик тараққиёт мақсадларини қўллаб-қувватлаш йўлида глобал сафарбарликка эришдик. Шунга қарамай, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун 2015 йилгача ва ундан кейин ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мамлакатингиз Ташкилот ишида фаол қатнашиб келаётганлиги барча учун тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муштарак мақсадларимизни олға силжитишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Пан Ги МУН,**
**Бирлашган Миллатлар**
**Ташкилоти Бош котиби**

Қуйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллашган:

Корея Республикаси Президенти **Пак Кин Хэ;**

Испания Қироли **Хуан Карлос I;**

Арманистон Республикаси Президенти
**Серж Саргсян;**

Қатар Давлати Амири
**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;**

Яман Республикаси Президенти
**Абду Раббу Мансур Ҳоди;**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти
**Абдул Ҳамид;**

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти
**Тейн Сейн;**

Корея Халқ Демократик Республикаси
Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси
**Ким Ен Нам;**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
**Дмитрий Мезенцев;**

БМТ Бош котибининг Махсус вакили,
БМТнинг Марказий Осиё учун превентив
дипломатия бўйича Минтақавий Маркази раҳбари
**Мирослав Енча;**

Туркистонликларнинг Америкадаги жамияти раиси
**Абдулла Хўжа;**

"Сока Гаккай Интернейшнл" жамияти президенти
**Дайсаку Икеда.**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*





*Кеча мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида "Мустақиллик дарси" билан бошланган янги ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган*

**528 972**

*нафар ўқувчига "Президент совғаси" сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари ва ўқувчи сумкасидан иборат совғалар тантанали равишда тарқатилди.*

ТАЪЛИМ

## КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

### давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб камол топмоқдалар

Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшга қиёсланади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ёш авлод тарбиясига нечоғли жиддий эътибор қаратилса, унинг самара ва натижаси ҳам шунга яраша — барвақт кўзга ташланади. Юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури туфайли бугун мамлакатимиз ўқув масканларидаги шарт-шароит тубдан яхшиланди. Мактабларда таълим сифатининг оширилиши, тарбия беришнинг ўзига хос усулларидан кенг фойдаланилаётгани, фарзандларимизнинг иқтидор ва салоҳияти юзага чиқарилаётгани соҳадаги изчил ислоҳотлар мевасидир.

Аёнки, ҳар бир юртнинг бугуни ва келажаги, том маънода, мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизлар камоли ва тақдирига вобаста эканлигини бугун барчамиз яхши англаймиз. Юртимизда таълим тизими ривожига кенг эътибор қаратилаётгани замирида ҳам ана шу мақсад, яъни фарзандларимизнинг келажак тақдирини ўйлаш орқали эртанги тараққиётга мустаҳкам пойдевор қўйиш ғояси мужассам.

(Давоми 4-бетда).

## САМАРҚАНД ЖАҲОН САНЪАТИ ШАҲРИГА АЙЛАНДИ

### Хорижлик иштирокчилар "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали ҳақида.

*Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда хорижий ижодий жамоалар ва ташкилотлар иштирокида кўплаб халқаро маданий тадбирлар ҳамда турли форумлар ўтказиш эзгу анъанага айланди. Ўз-ўзидан аёнки, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳам ана шундай нуфузли анжуманлар сирасига киради.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд бағрида, кўрку маҳобати билан бутун оламга машҳур Регистон майдонида ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль дунёнинг барча минтақалари хонандалари ҳамда раққосалари, мусиқачиларию маданий жамоаларини ўз атрофига жипслаштирмоқда. Ушбу маданий анжуман дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлашга даъват этиши билан ҳам жаҳон миқёсида нуфуз қозонаётир.

Кўп сонли халқаро кузатувчилар фикрича, бугунги кунда "Шарқ тароналари" ўзининг чуқур мазмун-моҳияти билан дунёдаги энг гўзал маданий анжуманлардан бири ҳисобланади. "Шарқ тароналари" инсоният маданий меросининг жозибаси ҳамда ранг-баранглигини бутун дунёга тараннум этаяпти. Мазкур санъат анжумани ЮНЕСКО ташкилотининг алоҳида эътиборга молик тадбирлари рўйхатига киритилгани ҳам "Шарқ тароналари"нинг жаҳондаги нуфузи нечоғлиқ юксаклигидан далолат беради.

"Шарқ тароналари" кўп асрлик миллий анъаналар, қадриятлар ҳамда ўзбек халқи маданиятини қайта тиклаш юзасидан мамлакат раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг далолати эканлигини бугун кўпчилик эътироф этмоқдаки, бу юртимизда ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳангдир. Ушбу маданий анжуманнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг демократик қадриятлар ҳамда фуқаролик жамияти қурилиши тамойилларига мос очиқ дунёвий давлат эканлигини ҳар гал тасдиқламоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

*Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Корея Республикаси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов, Корея Республикаси Президенти аппаратининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Бэ Нам Хон Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди.

(Давоми 3-бетда).

ИФТИХОР

*Истиқлолнинг ҳар бир йили юртимиз ҳаётида ўзига хос из қолдирмоқда. Бу даврда эришилган асрларга татигулик муваффақиятларимиз тарих саҳифаларидан жой олаётир. Зеро, Мустақиллик буюк ишларга қодир халқ эканлигимизни англатди. Қадриятларимизни эъзозлашга ўргатди. Шу боисдан ҳам бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи, ғайрат-шижоати билан яшаяпмиз.*

## Дилларда байрам шукуҳи

Ватанимизни янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон этиш — энг улуғвор мақсадимиз. Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қайд этганидек, бундай юксак натижаларга эришишда фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик тоғдек мустаҳкам асос ҳамда қудратли замин бўлди.

Бу — юртимизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда нишонланган истиқлол шодиёналари, одамларнинг кўтаринки кайфияти ва руҳиятида ҳам яна бир бор яққол ўз ифодасини топди.

Хусусан, **Андижон** вилояти аҳли мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини ҳар соҳада ҳавас қилса арзигулик ютуқлар билан қарши олдилар. Байрам арафасида фойдаланишга топширилган 250 дан ортиқ бино ва иншоотлар — янги саноат тармоқлари, сиҳатгоҳлар, ўқув муассасалари, спорт мажмуалари, намунавий тураржойлар энг улуғ, энг азиз айёмга муносиб туҳфа бўлди.

Истиқлол шодиёналари Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли, "Камолот" ҳамда Болалар маданият ва истироҳат боғлари, "Боғи Бобур" дам олиш маскани, барча шаҳар ва туманлар марказларида ўтказилган халқ сайиллари, концерт дастурлари, турли кўнгилочар, маданий-маърифий тадбирлар билан янада файзли бўлди. Асосий тантаналар эса вилоят марказидаги "Соғлом авлод" стадионида ташкил этилди. Унда театрлаштирилган саҳна кўринишлари, санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

(Давоми 3-бетда).

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

## Юртга садоқат ифодаси

Мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Ҳар бир тонгни хотиржам, хуш кайфиятда қарши оламиз. Файзли дастурхон атрофида ширин суҳбатлар қуриб, бир пиёла чойимизни эмин-эркин ичамиз. Кейин кимдир фарзандини боғчага, ўқишга кузатади, биров севган касби билан шуғулланиш учун ишга отланади. Қош қорайгач, дилимизда яна ўша мамнунлик, қувонч билан табаррук хонадонимизга ошиқамиз. Инсон учун бундан ортиқроқ бахт борми дунёда?! Бизга Истиқлол инъом этган неъматларнинг энг улуғи, энг қадрлиси ҳам аслида шу — тинчлик ва осойишталикдир.

(Давоми 2-бетда).

# САМАРҚАНД ЖАҲОН САНЪАТИ ШАҲРИГА АЙЛАНДИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, тинчликсевар ва оқилона ташқи сиёсат туфайли мамлакатимиз тўла ҳамда ҳаққоний асосда халқаро муносабатларнинг эътиборли ва ишончли субъекти сифатида мустаҳкам обрўга сазовор бўлди. Республикада Президентнинг мамлакатни ривожлантириш бўйича стратегиясига асосланган тинчлик-осойишталик, мустаҳкам барқарорлик ҳамда миллатлараро тотувлик ҳукм сурмоқдаки, унда бой маданий тараққиёт меросини ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда юксалтиришдек муҳим жиҳатлар ҳам ўз ифодасини топган.

"Шарқ тароналари" Ер юзидаги миллионлаб инсонларнинг эзгу туйғулари ва руҳиятини акс эттирадиган, уларнинг ички олами, қувончу орзуларини намоён этадиган кўзгудир. "Шарқ тароналари" турли миллат ва дини эътиқодлар, анъанаю урф-одатлар вакилларининг ўзаро ҳамкорликка оид хоҳиш-иродасини ифодаловчи анжумандир.

Президент Ислом Каримов "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида мазкур анжумандан кўзланган асосий ғоя ва мақсадларни аниқлўнда белгилаб берди: "...улар авваламбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқалиараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини **ҳеч қандай таржимонсиз** бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир".

Табиий гуллар ранг-баранглигига ҳамоҳанг "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалида Австрия, Афғонистон, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Канада, Хитой, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Франция, Швейцария, Корея Республикаси, Япония, Марказий Осиё давлатлари сингари дунёнинг 52 мамлакати ижодий жамоалари, яккахон санъаткорлар, созандалар, мусиқа маданияти вакиллари қатнашди. Шунингдек, ЮНЕСКО, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти, Халқаро маданият ва санъат уюшмаси раҳбарлари ҳамда ходимлари ушбу тадбирга ўз ҳурматларини намоён этдилар. Анжуман иштирокчи ва меҳмонлари самимият, эзгулик, саховат, ўзаро ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ҳамда мусиқа анжумани ташкилотчиларининг меҳмондўстлигига йўғрилган Самарқанддаги муҳит ҳақида завқ-шавқ билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Умуман олганда, Самарқанд ҳамиша илм-фан ва маданият ўчоғи, Буюк Ипак йўлининг йирик нуқтаси бўлган. Меъморий ёдгорликлар маҳобати, шаҳардаги саройлар нафосатию гўзаллиги боис Самарқанд ҳақли равишда "Шарқ гавҳари", дея таърифланади. Мазкур шаҳар буюк давлат арбоби Амир Темур даврида етук мутафаккирлар, донишманд ва алломалар, шоиру файласуфлар ҳамда моҳир меъморлари билан дунёда довруқ қозонди.

Бу муқаддас заминда Имом ал-Бухорий сингари буюк алломалар, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий каби беназир шоиру файласуфлар, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Абдураззоқ Самарқандий сингари улуғ олимлар ва бошқа кўплаб мутафаккирлар яшаб, ўзларининг бебаҳо ҳамда ўлмас асарларини яратганлар.

Бугунги кунда Самарқанд қайтадан Шарқнинг йирик маданий ва илмий марказига айланиб, ҳар икки йилда дунё мусиқа шайдоларини чорламоқда. Яъни "Шарқ тароналари"да турли халқлар вакиллари ўзларининг бетакрор мусиқий анъана ҳамда миллий маданий мероси намуналари билан иштирок этаяпти. Айни пайтда дунёнинг турли ҳудудларида ҳар хил низою ихтилофлар авжига чиқаётганини ҳисобга олганда, эзгулик ва инсонпарварлик билан йўғрилган ушбу халқаро тадбирнинг оламшумул аҳамияти яққол намоён бўлади.

IX фестиваль иштирокчилари Президент Ислом Каримовнинг анжуман очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини, хусусан, давлатимиз раҳбарининг "...бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдизларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқиёс кучи ва таъсирини намоён этишда "Шарқ тароналари" каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қиёслаш қийин", дея таъкидлаганини алоҳида мамнуният билан тингладилар.

Қуйида ана шу фестивалда қатнашиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонлардан айримлари билдирган фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова** фестивалнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда ўзбек халқининг анъаналарига ҳурмат рамзи сифатида Президент Ислом Каримов томонидан совға қилинган ўзбекона миллий чопонда сўзга чиқди. У "Шарқ тароналари" фестивалига республика раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган эътиборни юксак баҳолади. Унинг қатъий ишонч билдиришича, жаҳон маданиятининг дурдонаси бўлмиш фестиваль инсонпарварлик, маънавият, тарихий илдизларга нисбатан ҳурмат ғояларини ўзида намоён этади. Мазкур анжуман нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки умумбашарий миқёсдаги энг муҳим маданий тадбирлардан бирига айланмоқда. И. Бокованинг маълум қилишича, ўзбек халқининг азалий қадриятлар, миллий фольклор ва мусиқага нисбатан муҳаббати, Президент Ислом Каримовнинг ана шундай руҳга йўғрилган табрик сўзи ҳам унда катта таассурот қолдирди.

Мамлакатимизга амалга оширган ташрифидан орттирган ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, ЮНЕСКО Бош директори "Ўзбекистон, қадим тарих ва улкан имкониятларга эга бўлгани ҳолда, ўз тараққиёт йўлида жадал ва ишонч билан олға интилмоқда", деди. "Самарқанд эса бетакрор ўрта аср меъморчилигига эга бўлган беқиёс шаҳардир. Шарқ тамаддуни, илм-фан, фалсафа ва адабиёт соҳасидаги ютуқларнинг бутун тарихи гўё бу шаҳарнинг қадим деворларида муҳрлангандек".

Ўз навбатида, **ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат** таъкидлаганидек, "Шарқ тароналари" Ўзбекистон учун ҳам, ЮНЕСКО учун ҳам бирдек катта аҳамиятга эга. Ушбу анжуманнинг ўрни унинг дунё халқлари мусиқий анъаналарининг бутун ранг-баранглигини акс эттиргани ҳолда, миллатлар ва элатларни ўзаро яқинлаштиришдек муҳим вазифани бажаришида намоён бўлади.

"Фестиваль умумбашарий миқёс касб этмоқда, унинг қатнашчилари миқдори ҳам ортиб бораётир, инчунин, анжуман воситасида маданий ва маънавий қадриятларни келажак авлодга етказиб беришдек умумбашарий мақсад белгилангандир", деди К. Пиккат.

Ваколатхона раҳбарининг айтишича, нафақат Самарқанднинг байрамона кўриниши, балки Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, санъат, таълим каби соҳаларда жадал ривожланиб бораётган салоҳияти ҳам фестивалнинг жозибадорлиги ва нуфузи ортишига хизмат қилаётир. Буларнинг барчаси, К. Пиккат таъкидлаганидек, ЮНЕСКО ва мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик учун кенг истиқболларни яратмоқда.

**БМТ Доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер** "Жаҳон халқларининг бой мусиқа ва рақс санъати намуналарини намоён этадиган "Шарқ тароналари" фестивали халқаро маданий-гуманитар ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришда муҳим ўрин тутади", деб ҳисоблайди. "Шу кунларда Ўзбекистон дунё давлатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш имкониятини берадиган кенг кўламли халқаро майдонга айланди", деди у.

**Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиси Жорж Крол**нинг эътироф этишича, "Шарқ тароналари" нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳондаги энг ажойиб мусиқий фестивallardan биридир. "Давлатларимизни ажратиб турган минглаб километр масофага қарамай, барчамиз бир сайёра вакилларимиз ва америкалик ижрочилар мусиқа тили орқали ўзбекистонлик дўстларини аъло даражада тушунадилар. Дарҳақиқат, бугун Самарқанд барча халқлар маданиятининг пойтахти саналадики, бу ерда кундалик муаммоларни унутиш мумкин", дея фикр билдирди америкалик дипломат.

**Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Эдгар Жорж** кўҳна Регистон деворлари ичра янграган мусиқа садоларига турли маданият ва тамаддунлар ўртасидаги мулоқот ҳамда алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг самарали воситаси сифатида таъриф берди.

**Франция ва Марокаш санъатлари институти раҳбарининг ўринбосари Эссадани Адел** таъкидлаганидек, Самарқанддаги фестиваль Ўзбекистоннинг дунё халқларини бирлаштириш ғоясининг тарафдори бўлиш борасидаги, очиқ ва дунёвий мамлакат сифатидаги умумэътироф этилган нуфузини тасдиқлади.

**Грециядан келган ижодий гуруҳ вакили Казакос Константинос**нинг фикр билдиришича, "Шарқ тароналари" инсоният тамаддунининг кўп асрлик маънавий қадриятларини сақлаб қолиш ва тиклашда улкан аҳамиятга эга. Унинг айтишича, мазкур халқаро анжуман барча халқларнинг дунё маданий меросини ривожлантириш ва оммалаштириш йўлидаги якдил саъй-ҳаракатларнинг рамзи сифатида хизмат қилади.

**Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Риккардо Манара** эса фестиваль иштирокчиларининг миқдори ҳамда уларнинг таркиби ўзида катта таассурот қолдирганини маълум қилди. "Европадаги бу каби кўплаб тадбирлар ҳам ўз кўлами ва миқёси билан ушбу фестивалга тенглаша олмайди", деди у.

"Шарқ тароналари" нафақат миллий мусиқа ва қўшиқ санъатининг асраб-авайланиши ҳамда тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, — деб ҳисоблайди **Берген университети профессори Геберт Давид Габриель (Норвегия)**, — балки турли тил, маданият ва анъаналарга эга бўлган инсонларни бирлаштиради ҳамда уларни олижаноблик ва бағрикенгликка чорлайди".

**Тошкентдаги дипломатия корпусининг дуайени, Латвиянинг Ўзбекистондаги элчиси Игорс Апокинс** "Шарқ тароналари" фестивалига тўртинчи бор гувоҳ бўлганини маълум қилар экан, "ўзининг сеҳру жозибаси, мафтункорлиги ва маҳобати билан барчани жалб этадиган эртакмонанд шаҳар — Самарқандда турли халқ ва мамлакатлар вакиллари ўртасида маданиятлараро мулоқот бораётгани"га комил ишонч изҳор этди.

**Литва делегацияси раҳбари Осаускас Ремигиюс** ҳам ана шундай фикрда эканлигини қайд этар экан, "Меҳмондўст Ўзбекистон халқи, унинг бетакрор маданияти ва мероси билан танишганимдан сўнг дунёда тенги йўқ бўлган бу саховатли ўлкани севиб қолдим", деди. "Самарқанддаги ижтимоий-иқтисодий вазият ва шаҳар тараққиёти бутун республикадаги ривожланиш сингари ушбу шаҳарда ҳам халқ фаровонлиги ва юксалиши йўлидаги тизимли ислоҳотлар муваффақиятли олиб борилаётганидан гувоҳлик беради", дея алоҳида таъкидлади Осаускас Ремигиюс.

"Ўзбекистон ҳукумати томонидан миллий-маданий қадриятлар ва анъаналарни қайта тиклаш ҳамда янада ривожлантириш, миллий мусиқа санъати ва халқ ижодиётини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар энг юксак эътирофга сазовордир", — дея қайд этади **Афғонистон маданият ва ахборот вазири, фестивалнинг фахрий меҳмони Саид Макхдум Рахин**. У Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида дўстлик ва иноқ қўшничилик ришталари билан ўзаро боғланганига ҳамда бу икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида эътибор қаратди.

**Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Риаз Ҳуссайн Бухари**нинг айтишича, "Шарқ тароналари" тинчлик ва барқарорликни сақлашдек олижаноб мақсадга хизмат қилгани ҳолда, бағрикенглик, самимийлик ва ўзаро ишонч сингари эзгу ғояларни тарғиб этади. "Ўйлайманки, бу сингари халқаро мусиқа фестивалларини ўтказиш ташаббусини бошқа мамлакатларда ҳам давом эттириш лозим, чунки бу жаҳон халқлари ўртасида тинчлик ҳамда ўзаро уйғунликка эришишга кўмаклашади", дейди покистонлик дипломат.

**Ҳиндистонлик профессор Зубайри Ирфан** "Самарқанддаги фестиваль ёш авлодни маънан камол топтириш ва тарбиялашга ҳам беқиёс ҳисса қўшишини" эътироф этди.

**Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчиси Абдураҳмон аш-Шае** "Шарқ тароналари" IX фестивалидан бир олам завқ олганини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, Саудия Арабистони ва бутун дунёда ўзбек халқининг бой тарихи, Ўзбекистон заминида яшаб, ижод этган олим, шоир ва мутафаккирлар ҳамда уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳақида яхши билишади.

**Иорданиянинг Ўзбекистондаги элчиси Нур Усмон Юсуф Балкар** йилдан-йилга иштирокчилари сафи кенгайиб, мухлислари сони ортиб бораётган ҳамда дунёда улкан нуфузга эга бўлган мазкур халқаро форумни ташкил қилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

**Фахрий меҳмон, Куала-Лумпур шаҳрининг (Малайзия) мэри Датук Сери Чажи Аҳмад Пхесал бин Толиб** Ўзбекистонда миллий анъана ва меросни асраб-авайлаш ҳамда тарғиб этишга, ёш авлод қалбида ўз Ватанининг кўп асрлик маданиятидан фахрланиш туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этди.

**Индонезиялик профессор Франки Сурядарма (фестиваль ҳайъати аъзоси)** таъкидлаганидек, бундай йирик мусиқа форумлари ва улар доирасида ташкиллаштириладиган илмий конференциялар бутун жаҳонда санъатга нисбатан қизиқишнинг ортиши, халқлар ўртасидаги ўзаро яқинлашув ва англашувга хизмат қилиши баробарида, мамлакатлараро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Фумихико Като** мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларга алоҳида тўхталди. Унинг эътироф этишича, Ўзбекистон яқин келажакда жаҳоннинг жадал ривожланиб бораётган давлатлари қаторида етакчи ўринни эгаллайди.

"Шарқ тароналари" мусиқа фестивали турли давлат ва миллат вакилларига ижодий мулоқотни йўлга қўйиш учун ажойиб имконият яратиши билан бирга, Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишишга кўмаклашади. Ушбу тадбир нафақат мазмундорлиги билан ноёб ҳисобланади, балки у халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутади", деди дипломат.

**Бангладеш Республикаси Маданият вазирлигининг вакили Маҳбуба Машҳур** "Шарқ тароналари"ни қизиқарли ва барча учун севимли мусиқа байрами сифатида тилга олди. Ушбу фестиваль, Маҳбуба Машҳур таъкидлаганидек, турли халқларнинг маданий меросини бойитиш ва улар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан бирга, ўзаро фикр-мулоҳазалар билдириш ҳамда тажриба алмашиш имконини ҳам беради.

**Уммон делегацияси вакили Исҳоқ Юсуф Саид ал-Харси** "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли тобора юксалиб бораётганини ва мазкур анжуман барча қитъалар вакилларини бирлаштириш йўлида муҳим ўрин тутаётганини қайд этди.

**Исроилнинг Ўзбекистондаги элчиси Кармела Шамир** ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги ва олижаноблигидан лол қолганини айтди. "Анъаналар ҳамда мусиқий маданиятни асраб-авайлаш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганига гувоҳ бўлдим. Президент Ислом Каримовнинг табрик сўзида айтилганидек, мусиқа халқларни бирлаштиради, у ҳаммага таржимонсиз бирдек тушунарли ва Ер юзида тинчликни сақлашга хизмат қилади, деган фикрларга тўла қўшиламан", деди у.

**Озарбайжон Бастакорлар уюшмаси котиби, мусиқашунос Лала Гусейнова** фестиваль барча иштирокчилари ҳиссиётларини изҳор қилди. "Маънавият билан чамбарчас боғланган Шарқ маданиятининг энг бой меросини ўзида мужассамлаштирган ушбу қутлуғ шаҳарнинг маҳобати ва гўзаллиги бизни ўзига мафтун қилди", — дея таъкидлади Л. Гусейнова. Унинг фикрича, дўстона муҳит, буюк меъморий обидалар, мазкур заминдаги барча осориатиқалар фестиваль қатнашчиларига ўз санъатларини муносиб намойиш этиш учун ўзгача илҳом бахш этди. "Самарқандда ўтказилаётган ушбу форумни "Жаҳон халқлари фестивали" дея эътироф этиш менга мамнуният бағишлайди", дея алоҳида таъкидлади Озарбайжон вакили.

**Грузия делегацияси вакили Соломон Гогашвили** "Шарқ тароналари" фестивалини турли мамлакатлар халқларини яқинлаштирувчи ва бирлаштирувчи "кўприк" ҳамда тинчлик, тотувлик ва эзгуликни тарғиб қиладиган маданий мулоқот майдони, деб атади. Шу билан бирга, у Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти ҳамда мамлакатимизни модернизациялаш жараёнининг натижалари, яъни бугунги замонавий манзара ўзбек халқининг кўп асрлик урф-одат ва бой анъаналари билан уйғунлашиб кетганини қайд этиб ўтди.

**Украинанинг Ўзбекистондаги элчиси Юрий Савченко** Президент Ислом Каримовнинг ўзбек халқи кўп асрлик қадриятларини, маданияти ва урф-одатларини қайта тиклаш ҳамда ушбу ажойиб меросни асраб-авайлаш юзасидан амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлади. Украиналик дипломат "Шарқ тароналари" фестивалига "Юксак инсонийликнинг ёрқин намунаси", дея таъриф берди.

Юқорида баён этилган фикрлар Самарқандда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчилари ва меҳмонлари томонидан баён этилган таассуротларнинг мўъжазгина бир қисми, холос. Шубҳа йўқки, билдириб ўтилган барча фикрлар Президент Ислом Каримовнинг ушбу форумни ўтказиш бўйича ташаббуси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади. Юқорида келтирилган мулоҳазалар ва эътирофлардан аёнки, Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг маданий, сиёсий ва иқтисодий марказларидан бирига айланмоқда.

Шундай экан, юртимизда Ўзбекистон халқининг салоҳиятини, ижодий салоҳияти ва маънавий бойлигини озиқлантириб турадиган гуллар ҳамда наволар асло сўнмасин, деган эзгу ният диллар тубидан жой олганига заррача ҳам шубҳа йўқдир.

**«Жаҳон» АА.**

# Юртга садоқат ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, бугун турли минтақаларда рўй бераётган қарама-қаршиликлар, қонли тўқнашувлар, низолар сабаб қанчадан-қанча одамлар таҳликада, юрак ҳовучлаб кун кечирмоқда. Улардан тўғри хулоса чиқариш, ҳушёр ва уйғоқ бўлиб яшаш, мусаффо осмонимизни қадрлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиз эканлигини ҳам, бир зумга бўлсин, унутмаслигимиз даркор.

Таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг халқимиз бахти, фаровон келажагини ўйлаб ўз вақтида миллий армиямизни барпо этишга қаратган эътибори, бу йўлда олиб бораётган оқилона сиёсати мустақиллигимиз солномасидаги муҳим воқеалар сирасига киради. Шу боис Истиқлол ҳақида гап кетганда, унинг муҳим бир қисми сифатида Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнларини ҳам алоҳида тилга оламиз.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимизнинг қудрати, салоҳияти, юртимиз чегаралари дахлсизлигига рахна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай таҳдидга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилияти ошди. Армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит бутунлай янгиланиб, тарбиявий ишлар тизими тубдан яхшиланди. Натижада Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки ҳақиқий шон-шараф ишига айланди.

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида қалбига ана шундай эзгу ниятларни жойлаган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтади. 1 сентябрь санасида, жумладан, пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети курсантларининг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тадбирлар ташкил этилди. Уларда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар қатнашди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва уларнинг самараларини яна бир карра эътироф этдилар.

— Мен бундан уч йил муқаддам мана шу бетакрор монументнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этганимда ҳали лицей ўқувчиси эдим, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсанти Бекзод Акрамов. — Ўшанда ич-ичимдан "Келажакда мен ҳам олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираман ва албатта, "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида ҳарбий қасамёд қабул қиламан", дея дилимга туккандим. Орзуимга эришганимдан жудаям бахтиёрман. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади. Мақсадим — юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тантанали маросимлар, шунингдек, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртларида ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида жорий йилда ўқишга қабул қилинган тингловчиларнинг ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилиш маросими мазкур таълим муассасаси ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали тадбирга уланиб кетди.

Айтиш жоизки, Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу институтда 11 кафедра, ихтисослаштирилган ўқув хоналари, кимё ва криминалистика лабораториялари, амалий машғулот майдончалари, шунингдек, иккита замонавий тураржой, спорт мажмуаси мавжуд бўлиб, уларда тингловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Ахборот-ресурс маркази фондида 2,2 минг номдаги салкам 39 минг адабиёт жамланган. Ўқув жараёни давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган режага мувофиқ олиб борилади. Институтда эгалланган назарий билимларни бевосита божхона амалиёти билан узвий боғлаш, бўлажак божхоначиларда танлаган мутахассисликлари бўйича кўникмани шакллантириш мақсадида уларнинг Давлат божхона қўмитаси, ҳудудий бошқарма бўлимлари, божхона комплекслари ва постларида амалиёт ўташлари йўлга қўйилган.

Тадбирда биринчи босқич тингловчилари халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга қасамёд қабул қилдилар.

Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан божхона тизимига малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ божхона ходимлари ва фахрийлар рағбатлантирилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мол-мулк ва ер солиқлари

Уни ўз вақтида тўлаш иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, юртимизни обод қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.




***"Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар"***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 277 ва 294-моддаларига мувофиқ, солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Маълумки, жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, маҳаллий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш, шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар, деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ҳамда ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили 1 январь ҳолатига кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар томонидан тураржой фонди объектлари нотураржой фонди тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотураржой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Шунингдек, жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Солиқ тўловчилар ҳисоблаб берилган мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ тўлаш мажбуриятидан озод қилмай, аксинча мавжуд солиқ қарзига қўшимча равишда ундирилади.

Шу билан бирга, жисмоний шахс томонидан ўз вақтида тўланмаган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бажарилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари солиқ қарзини жисмоний шахсдан ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади ҳамда қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи мунтазам тўланмай келган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Шундай экан, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлов муддати — 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

**Равшан НАСИМОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**




# Дилларда байрам шукуҳи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Байрам тадбирлари **Наманган** вилояти шаҳар ва қишлоқларига ҳам ўзгача шукуҳ олиб кирди. Қутлуғ сана арафасида ҳудудда қуриб битказилган 80 га яқин бино ҳамда иншоотларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бунёд этилган бўлиб, уларнинг тақдимот маросими айём шодиёналари билан уйғунлашиб кетди.

"Кичкинтойлар боғи" остонасида янграган карнай-сурнай садолари вилоят аҳлини байрамнинг бош тадбирига чорлади. Унда истиқлол берган имкониятлар натижасида юртимизда, шу жумладан, Наманганда юз берган оламшумул ўзгаришлар, халқимизнинг азму шижоати билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари алоҳида эътироф этилди.

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!". Ана шу эзгу ва улуғвор шиор **Қорақалпоғистон Республикаси**да яшовчи юртдошларимизни ҳам хайрли ташаббуслар сари ундади. Натижада Оролбўйи минтақаси аҳли айёмни муносиб ютуқлар билан қарши олди. Хусусан, Нукус шаҳрида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Адил Едиге", Тўрткўл туманида пластмассадан хўжалик буюмлари тайёрловчи "Жасур ҳалол савдо", Шуманайда алюминий профиллар ишлаб чиқарувчи "Акфа пром", Амударё туманида синтетик кир ювиш воситалари тайёрланадиган "Манғит грант медиа", Мўйноқда артемияни қайта ишловчи "Камолот балиқчи", Хўжайлида шинни ва мураббо тайёрланадиган "Хўжайли гўшт" масъулияти чекланган жамиятлари, аккумулятор ишлаб чиқариладиган корхоналар ҳамда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари фаолият бошлади.

Нукус шаҳридаги муҳташам амфитеатрда бўлиб ўтган театрлаштирилган байрам томошаларида ана шундай муваффақиятларга алоҳида урғу берилди. Фольклор ансамбллари ҳамда ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари байрам томошасига ўзгача файз бағишлади.

**Хоразм**да эса байрам арафасида ўнлаб савдо тармоқлари, тураржойлар, қишлоқ врачлик пункти, муҳташам коллеж ва мактаблар, спорт заллари, гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Жумладан, Урганч шаҳрида 12 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига "Ёшлар кўли" бунёд этилгани вилоят ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

— Истиқлол тафти юрак-юракларимизга сингиб кетди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги 5-сон мактаб директори Аноржон Маҳмудова. — Мустақиллик туфайли орзу-ниятларимиз рўёбини кўраяпмиз. Шундай тинч замонда яшаётганимиз учун ҳар қанча шукрона айтсак кам. Зеро, Истиқлол барчамизга қувонч, шодлик, фаровонлик келтирмоқда.

Мустақиллик айёмини **Бухоро** вилояти аҳли ҳам муносиб меҳнат ютуқлари билан қарши олдилар. Масалан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида саноатни равнақ топтиришга қаратилган дастурлар доирасида ҳудудда 133 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, шунинг эвазига 9,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасидаги устувор вазифалар ижросига эса 373,7 миллиард сўм ва 3,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Бухоро маданий маркази"да ўтказилган байрам тантанасида ана шу далиллар алоҳида қайд этилди.

Байрам дастуридан ўрин олган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишларида она-Ватан, истиқлол, меҳр-муҳаббат каби эзгу туйғу ва тушунчалар тараннум этилди.

Жанубнинг олтин дарвозаси — **Сурхондарё** вилояти марказидаги "Алпомиш" мажмуаси амфитеатри шодиёнага муносиб тарзда ранг-баранг байроқлар, панно ва шиорлар билан безатилди. Ён-атрофдаги минглаб чироқлар саҳнага кўрк бериш билан бирга, дилларни ҳам нурафшон қилди.

Саҳна узра Ўзбекистон мадҳияси янгради. Тадбирда улуғ аждодларимизнинг бой мероси рамзий чиқишлар орқали ифодаланди. Ўтган йигирма икки йиллик мустақил тараққиёт даврида эришилган натижалар, ислоҳотлар самараси, халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари, миллий ва умумбашарий қадриятларга мос тарзда акс эттирилди.

**Самарқанд**да Мустақиллик шодиёналари "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро фестивали билан уйғунлашиб кетди. Чунончи, Пастдарғом, Самарқанд, Жомбой, Оқдарё туманлари ҳамда Самарқанд шаҳри аҳли қўшалоқ айёмни хорижлик сайёҳлар билан бирга нишонлашган бўлишса, қолган туман ва шаҳарларда алоҳида байрам сценарийси тузилиб, дилтортар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар саҳналаштирилди, она-Ватан, Истиқлол, тинчлик-осойишталик мадҳ этилди.

Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида бўлиб ўтган асосий байрам тантаналарида эса айём арафасида ҳудудда 64 та мактаб, 4 та Баркамол авлод маркази, 5 та мусиқа ва санъат мактаби, 3 та спорт мажмуаси, жами 208 та иншоот фойдаланишга топширилгани, 107 та аҳоли пункти тоза ичимлик сув билан таъминлангани алоҳида таъкидланди.

Энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналарини **Тошкент вилояти** аҳли ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, муносиб шоду хуррамликда нишонлади. Айниқса, Юртбошимизнинг вилоят саноат салоҳиятини юксалтириш, йўл-транспорт, коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган иккита муҳим қарори қабул қилиниши воҳа аҳлининг кучига куч қўшди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Жорий йил вилоятда 120 га яқин янги ишлаб чиқариш корхонаси, қарийб 1100 та янги савдо ва хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди. Ўндан ортиқ таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт иншоотлари қуриб битказилди.

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ бахтиёр юртдошларим қатори давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлдим, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Оққўрғон тумани Агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси У. Сафаров. — Қувончим чексиз. Бундан буён ҳам фарзандларимиз бахту камоли йўлида сидқидилдан хизмат қилавераман.

Шунингдек, Истиқлолимизнинг қутлуғ 22 йиллиги байрами Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларида ҳам кўтаринки руҳда, юксак савияда нишонланди.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Корея Республикаси фонд биржаси билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки ташкилот ўртасида қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш, фонд биржалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда он-лайн фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини жалб этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида бошланган хусусийлаштириш жараёни бугунги кунда ўзининг юксак самараларини бераётир. Давлат томонидан хусусий мулк эгалари ва инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланаётгани, мулк дахлсизлиги кафолатлангани, кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани бизнес ривожи учун кенг йўл очаяпти.

— Ўзбекистон хусусийлаштириш соҳасида бой тажрибага эга, — деди Бэ Нам Хон. — Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган улкан ишларни ўрганиш, фикр ва тажриба алмашишдан манфаатдормиз.

Учрашувда давлат мулкини хусусийлаштириш, соғлом рақобатга асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, монополиядан чиқариш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишни кенгайтириш масалалари хусусида сўз юритилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*АҚШда сиам (бирон аъзоси бири-бирига қўшилган ҳолда дунёга келган) эгизаклари муваффақиятли ажратиб олинди.*

## Амалиёт муваффақиятли кечди

Бу мураккаб жарроҳлик амалиёти Даллас шаҳридаги болалар шифохонаси мутахассислари томонидан бажарилди. Манбага қараганда, Оэун ва Эмметт Эзелл шу йилнинг 17 июль куни жигар ва ичаклари туташиб туғилган эди.

Айни пайтда чақалоқларнинг аҳволи қониқарли экани айтилмоқда. Аммо улар тўлиқ соғайиб кетиши учун яна бир нечта жарроҳлик амалиётини ўтказиши зарур бўлади.

Статистика маълумотларига кўра, сиам эгизаклари дунёга келиши ҳар 200 мингта туғуруқ ҳолатида бир бор тўғри келар экан.

## Ўрмон ёнғинлари

*Португалияда бир ҳафтадан буён ўрмон ёнғинлари давом этмоқда.*

Уни бартараф этишга жуда катта куч сарфланаётган бўлса-да, табиий офат қамрови тобора кенгайиб бораяпти.

Масалан, сўнгги кунларда бу ерда яна уч юздан зиёд ёнғин ўчоқлари аниқланган. Шу боис оловни сўндириш ишларига қўшимча равишда 700 та гуруҳ жалб қилинди. Бундан ташқари, Испания, Франция ва Хорватия давлатлари мутахассислари ҳам яқиндан кўмаклашаётир.

Дастлабки хулосаларга қараганда, ёнғинларнинг аксарияти инсон омили билан боғлиқ. Яъни ўрмонларга қабиҳ ниятли кимсалар томонидан атайин ўт қўйилмоқда. Юқори ҳарорат ва кучли шамол эса уни бартараф этишда жуда катта қийинчилик туғдираяпти.

## Акцияларини қайтариб олмоқчи

*Парфюмерия саноатида фаолият олиб борувчи жаҳонга машҳур "L`Oreal" компанияси (Франция) Швейцариянинг "Nestle SA" холдингига аввалроқ сотиб юборган 30 фоизлик акциясини яна қайтариб олиши мумкин.*

Бу ҳақда муассаса раҳбари Жан-Пол Агон "Les Echos" нашрига берган интервьюсида айтиб ўтди. Француз компанияси қимматли қоғозларини молиявий қийинчиликлар туфайли пуллаган эди.

Ушбу хабарнинг тарқалиши билан "L`Oreal" акциялари баҳоси бирданига 4,82 фоизга қимматлашган.

## 110 йилда 11 сантиметр

*1870 — 1980 йиллар оралиғида Европада эркакларнинг бўйи ўртача 11 сантиметрга ўсган.*

Бу австралиялик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланди. Бундай физиологик ўзгаришлар, айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг фаоллашган. Маълумки, айнан шу даврга келиб, инсон меҳнатини енгиллаштирувчи бир қатор техникалардан фойдаланиш жадаллашди. Тиббиёт ривожланиб, инсонларнинг яшаш шароитлари яхшиланган. Мазкур омиллар эса шундай ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган.

## Ғаройиб акула

*Олимлар Индонезиянинг Молоук оролида антиқа акула турига дуч келдилар.*

"Al Arabiya" телеканалининг хабар беришича, ушбу йиртқич юра олади. Бунинг учун у кўкрак қафасида жойлашган иккита сузгичидан фойдаланади. Қизиқ жиҳати, акулаларнинг бундай тури шу пайтгача маълум бўлмаган.

"Hemiscyllium halmahera" дея номланган ушбу ғаройиб денгиз жониворлари Осиёда учрайдиган, узунлиги 70 сантиметрдан ошмайдиган мушуксимон акулалар оиласига мансублиги айтилмоқда.

## Мезбонлардан вакил йўқ

*Теннис бўйича Нью-Йоркда давом этаётган АҚШ очиқ чемпионати 1/8 финали мезбон спортчиларсиз ўтадиган бўлди.*

"Катта Дубулға" туркумига кирувчи йилнинг энг нуфузли тўрт турниридан бири ҳисобланган мазкур мусобақада кўпчилик АҚШлик Тим Смичек совринли ўринлар учун курашни давом эттиришига умид қилганди. Аммо у испаниялик Марсель Гранольерсга имкониятни бой бериб қўйди ва баҳслардан чиқиб кетди. Шу тариқа ушбу мусобақа тарихида биринчи марта АҚШ вакиллари 1/8 финалга чиқа олмадилар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Реклама ва эълонлар




**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Ургут тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2012 йил 4 июлдаги 1-121-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 189-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 851,21 кв.м. бўлган маъмурий бино ва ёрдамчи бинолар.

***Бошланғич баҳоси — 391 323 000 сўм.***

Ушбу кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочи-лари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

***Лицензия: № RR-0017.***

1493А/105

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

***«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**I.** Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2010 йил 16 декабрдаги 1-372-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 41-«В» уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 123,68 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 138 990 000 сўм.***

**II.** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 1-4574/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, И. Усмонов 2-тор кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 405,0 кв.м., фойдаланиш майдони 80,47 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 62 812 500 сўм.***

**III.** Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 12 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарё бўйи 2-тор кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 218,16 кв.м., фойдаланиш майдони 59,28 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 24 033 474 сўм.***

**IV.** Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 16 майдаги 10-1204/11411-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган, умумий ер майдони 839,0 кв.м., фойдаланиш майдони 488,0 кв.м. бўлган цех биносининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 269 965 300 сўм.***

***2013 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:***

**I.** Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

**1.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 280 707 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 348 190 000 сўм.***

**II.** Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 13 майдаги 10-1308/3858-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қодиров кўчаси, 72-уйда жойлашган, умумий ер майдони 2 392 кв.м., фойдаланиш майдони 691 кв.м. бўлган дўкон ва омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 787 500 000 сўм.***

**III.** Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 30 майдаги 10-1019/5611-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Қорасув (аввалги Лисунов) кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 215 кв.м., 5 қаватли бинонинг қисми бўлган амбулатория поликлиникаси ва омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 151 980 089 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: № RR-0017.*

1491А/105

**«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси**
**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси**

**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ**

**махсус кийим сотиб олиш бўйича 08/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.**

| Лот сони | Номи | Миқдори |
|---|---|---|
| Лот № 1 | Баҳорги-кузги махсус ишчи кийими (куртка, шим) | 3 750 тўплам |

**Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.**

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.**
**Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz**

**Web-site: www.sgss.uz, www.tenderweek.com**

1483А/45

# КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

## давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб камол топмоқдалар



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

...Анъанага кўра, янги ўқув йилининг биринчи сабоғи мактабларда "Мустақиллик дарси" билан бошланди. "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилган илк дарсларда ҳам келажак сари интилаётган ана шундай ёшларга она-юртга муҳаббат туйғуси, миллий ўзликни англаш, энг бебаҳо, энг азиз неъмат — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗни асраб-авайлаш ва қадрлаш ҳисси ҳар бир фарзанднинг бурчи эканлиги яна бир бор таъкидланди. Мактаб остонасига эндигина қадам қўйган жажжи ўқувчиларга эса "Мустақиллик дарси" бошланишидан аввал Президент совғаси ҳадя этилди. Болажонлар Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳис этиб, беҳад қувондилар. Зотан, бугун уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши, улғайиши учун барча имконият яратилаётир. Ёшларимиз янгича, замон талабига хос, жаҳон андозаларига мос таълим стандартлари асосида бунёд этилган кўркам ва муҳташам ўқув масканларида билим олишмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9765 та мактаб фаолият кўрсатаяпти. Жорий йилги Инвестиция дастурига кўра, 381 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Янги ўқув йили учун режалаштирилган 394 номдаги 22,5 миллион нусха дарслик ва ўқув қўлланмалари тўлиқ чоп қилиниб, таълим муассасаларига етказилди.

Пойтахтимиздаги 64-мактаб ҳам илғор таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда мазкур мактабда 1246 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Жорий ўқув йилида биринчи синфга 190 нафар ўғил-қиз қабул қилинди.

— Ўқувчиларимиз орасида иқтидорли, интилувчан ёшлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди ўқув маскани директори вазифасини бажарувчи Муборак Юсупова. — Уларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мазкур ўқув йилидан бошлаб инглиз тили биринчи синфларга ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ сабоқлари шаклида ўргатилади.

Чиндан ҳам, бугун янгича таълим стандартлари асосида илм олаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Замонавий ўқув бинолари, кенг ва ёруғ синфхоналар энг сўнгги русумдаги компьютер ҳамда лаборатория жиҳозлари, кутубхона, спорт мажмуаси — буларнинг бари ёшларимиз ихтиёрида.

— Қизимиз Раънохон бу йил 1-синфга қадам қўйди, — дейди пойтахтлик Санъат Файзуллаев. — Унинг инглиз тилига меҳри бўлакча. Раънохон мактабга чиқишига қадар инглиз тилида санашни, ўзи ҳақида сўзлаб беришни ўрганиб олди. Юртимизда фарзандларимизнинг бахту саодати йўлида узоқни кўзлаб иш олиб борилаётгани учун Президентимиздан бениҳоя миннатдормиз!

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида фарзандларимизга юксак илм-фан чўққиларини эгаллашлари, соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Шундай экан, истиқболимиз эгалари маррани баланд қўйиб, ўз мақсадларига эришишларига ишончимиз комил.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ,
Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

■ ЭЗГУЛИК

*Қибрай туманидаги Тузел қишлоғида янги мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

# Болажонларга туҳфа

Ўқув ва тарбия жараёнлари уч тилда олиб бориладиган ушбу масканда замонавий жиҳозланган машғулот хоналари, лингафон, компьютер синфлари ҳамда спорт-соғломлаштириш бўлими мавжуд. Кичкинтойлар саломатлиги мунтазам шифокор ва ҳамширалар назоратида.

— Ҳамқишлоқларимиз мустақиллигимизнинг 22 йиллиги шодиёнасини муносиб туҳфалар билан кутиб олди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдунаби Темирбеков. — Хусусан, байрам арафасида ҳудудимизда ўнга яқин янги савдо ва сервис шохобчалари аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Қишлоғимизга элтувчи асосий йўл янгидан асфальтланди. Кўплаб хонадонларнинг тоза ичимлик суви, шунингдек, табиий газ ва электр таъминоти яхшиланмоқда. Эътиборлиси, ободлик ва фаровонликка хизмат қилувчи бундай хайрли ишларда ҳамқишлоқларимизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Мазкур муҳташам ва замонавий болалар боғчаси ҳам маҳаллий тадбиркор Қурбонали Сувонқуловнинг ўз қишлоқдошларига байрам туҳфаси бўлди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 24 АВГУСТДАН 30 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 13 августдаги 76-сонли буйруғи.*

**2013 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 977-5 (2013 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

2. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2013 йил 13 августдаги 38-ққ, 34, 60-ққ-сонли қарори.*

**2013 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2504 (2013 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

3. «Трикотаж ва тикувчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 20 августдаги 63-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2505 (2013 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

4. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 августдаги 01/20-26/09-сонли қарори.*

**2013 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1188-3 (2013 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

5. «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2013 йил 12 августдаги 01-02/12-7, 12, 33, П-2-сонли қарори.*

**2013 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2097-1 (2013 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари» *(рўйхат рақами 2410, 2013 йил 9 январь). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 28 августдаги 263-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

• Реклама ва эълонлар •


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги*

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

***катта илмий ходим-изланувчи лавозимига 2014 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:***

**07.00.04 — Диншунослик**
**07.00.05 — Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**Керакли ҳужжатлар:** ректор номига ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган мақолалар (камида 3 та), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати, уларнинг нусхалари, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, фан номзоди бўлганлар учун номзодлик диссертацияси автореферати, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати, паспорт ва нусхаси, тураржойдан маълумотнома, 3х4 ҳажмда 4 та фотосурат, конверт, тезтиккич.

***Шунингдек, Тошкент ислом университети мустақил изланувчилик тартибида илмий тадқиқот фаолияти юритиш учун 2014 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:***

**07.00.04 — Диншунослик**
**07.00.05 — Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**Керакли ҳужжатлар:** ректор номига ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати ва уларнинг нусхалари, паспорт нусхаси, 3х4 ҳажмда 4 та фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Ҳужжатлар 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй, А-бино, 2-қават, 212-хона.**
**Телефонлар: (8-371) 244-00-91, 244-00-56.**

1406А/834






**Тошкент автомобиль-йўллар институти**

**2013/2014 ўқув йилига кафедра мудирлари бўйича танлов эълон қилади:**

- **Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси — кафедра мудири.**
- **Транспорт воситаларининг эксплуатацион материаллари — кафедра мудири.**
- **Касбий таълим — кафедра мудири.**
- **Механизмлар назарияси ва машина деталлари — кафедра мудири.**
- **Чет тиллар — кафедра мудири.**
- **Автомобиль йўллари, аэродромларни қуриш ва эксплуатация қилиш — кафедра мудири.**
- **Автомобиль-йўл корхоналари маркетинги — кафедра мудири.**

**Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

— ректор номига ариза;
— шахсий варақа;
— маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги дипломлар нусхалари;
— малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар нусхаси;
— илмий ишлар рўйхати;
— паспорт нусхаси.

***Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, ТАЙИ, ходимлар бўлими, 156-хона.**
**Телефон: (8-371) 232-15-29.**

1492А/105

**«MAXLAS» МЧЖ**

**боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган**

**МОТОРЛИ ПУРКАГИЧНИ**

**таклиф этади.**

**Моторли пуркагич бир дақиқада 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.**

*Тўлов — исталган шаклда.*

Мурожаат учун телефонлар:
**(+99895) 170-17-56,**
**(+99895) 177-17-56.**
Факс: **(8-371) 234-62-33.**
E-mail: **maxlas62@mail.ru**

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**
**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.**

1207R/724






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5